

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮСУПОВ ДОНИЁРЖОН МАДАМИНОВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИДА ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИ:
КЛИНИК-ГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юсупов Дониёржон Мадаминович

Миокард инфарктида эндотелий дисфункцияси:
клиник-генетик аспектлари 3

Юсупов Дониёржон Мадаминович

Дисфункция эндотелия при инфаркте миокарда:
клинико-генетические аспекты 19

Yusupov Doniyorjon Madaminovich

Endothelial dysfunction in myocardial infarction:
clinical and genetic aspects 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 36

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЮСУПОВ ДОНИЁРЖОН МАДАМИНОВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИДА ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИ:
КЛИНИК-ГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib340 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидуллаева Гулноз Абдусаттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахимов Шухрат Маликович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.26.04.2018.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Х. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги йилларда миокард инфаркти (МИ) диагностикаси ва даволашнинг самарали йўллари излашда эришилган ютуқларига қарамасдан, у мамлакатлар аҳолиси касалланиш ва ўлим структурасида етакчи ўринни эгаллаши билан тавсифланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига 2016 йилда 17,9 миллион ўлим юрак-қон томир тизими касалликлари туфайли келиб чиқди ва бу дунёдаги барча ўлим кўрсаткичларининг 31%ни ташкил қилди. Охириги миокард инфаркти бўйича тавсияномалар маълумотларига кўра «ривожланган мамлакатларда миокард инфарктини даволашда реперфузион терапия, эндоваскуляр ёндошув ва замонавий антитромбоцитар дори воситалари қўлланилганда ҳам ўлим кўрсаткичи 4% дан 12% гача учрайди»¹. Юрак қон-томир касалликларининг, шу қаторда миокард инфарктининг учраши ортиши ва унинг салбий прогнози, ҳамда юқори ўлим сабаби бўлиши муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳонда МИ билан хасталанган беморларни ташхислаш, эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва даволаш усуллари такомиллаштириш натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. МИ ривожланишининг асосий патогенетик механизмларини ўрганиш, эрта ташхислаш усуллари мақбуллаштириш касаллик профилактикаси ва даволашда, асоратларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада МИ ривожланишида эндотелий дисфункциясининг функционал-гуморал ва генетик маркерларининг прогностик аҳамиятини ўрганиш, NO синтаза гени полиморфизмини турли хил этник гуруҳларда аниқлаш илмий тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. МИда клиник-генетик омилларни ҳисобга олган ҳолда касаллик клиник кечиши ва асоратларини прогнозлашга замонавий ёндашувни оптималлаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган бирламчи бўғин, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли касалланиш кўрсаткичларини камайтириш ва ҳаёт давомийлигини узайтиришни таъминлаш» белгилаб берилган². Бу борада кардиология соҳасини изчил ривожлантириш юрак қон-томир касалликларини олдини олиш, хавф омилларини эрта аниқлаш ва

¹ ESC Guidelines for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation 2017. European Heart Journal, 2018; 39 (2): 119-177.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

касалликни даволаш самарадорлигини ошириш, шу жумладан МИ эрта ташхислаш, касаллик клиник кечишини прогнозлаш ва бунинг натижасида касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, бемор ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сони «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўплаб олимларнинг ишлари миокард инфарктининг патогенези, эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга бағишланган (Braunwald E. et al., 2014; Roffi M. et al., 2017; Руда М.Я., 2015; Бойцов С.А., 2018 ва ҳаммуал, 2017; Терещенко С.П. ва ҳаммуал, 2019). Кўп юрак қон-томир касалликлари, шу жумладан МИ ривожланиши патогенезида катта аҳамиятга эга бўлган эндотелий функциясини баҳолаш муҳим роль ўйнайди (Patrono S. et al., 2017; Mueller Ch. et al., 2017; Кузнецова О.Я. 2017; Марцевич С.Ю. ва ҳаммуал., 2017). Натижада, миокард инфарктида эндотелий дисфункцияси кучайиши билан касаллик кечиши ёмонлашиши, асоратлар ривожланиши ва ноҳуш прогноз хавфи ҳам ортади.

Миокард инфарктли беморларда юқори хавф гуруҳли беморларни эрта аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш ва асоратларини олдини олиш генетик маркерларни аниқлаган ҳолда профилактика қилиш ва прогнозни яхшилаш тамойилларига асосланган (Mann D.L. et al., 2016; Catapano A.L., 2018; Бубнова М.Ю., 2016; Гиляревский С. Р. ва ҳаммуал., 2016; Шилова А.С. ва ҳаммуал., 2017). Сўнгги пайтларда касалликни клиник-генетик хусусиятларини ўрганган ҳолда касаллик прогнозини баҳолаш, асоратларини камайтириш мақсадида даволашни оптималлаштириш ва рентгенэндоваскуляр усулларни такомиллаштириш умр кўриш давомийлигига, ҳаёт сифатига ҳамда прогнозга ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган. Миокард инфарктини эрта диагностика қилиш ген полиморфизмини ўрганган ҳолда клиник кечиши хусусиятларини башорат қилиш ва асоратларини олдини олишни такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни давом эттиришни талаб қилади.

Ўзбекистонда миокард инфаркти муаммоси бўйича Курбонов Р.Д., Никишин А.Г., Гадаев А.Г., Тулабоева Г.М., Юлдошев Н.П. ва бошқалар илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Аввал МИ кечиши, прогнози, медикаментоз ва эндоваскуляр даволашнинг самарадорлиги аниқланган. Юрак қон-томир

касалликларида 10 дан ортиқ ген-кандидатларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар Хамидуллаева Г.А., Шек А.Б., Абдуллаев Т.А., Камилова У.К. ва бошқалар томонидан ўтказилган. Аммо миокард инфаркти ривожланиши, клиник кечиши ва прогнозида генетик омилларнинг хусусиятлари ва аҳамияти ўрганилмаган. Миокард инфарктида эндотелиал синтаза гени полиморфизми хусусиятларини аниқлаш, уларнинг касаллик клиник кечиши ва прогнозидаги аҳамиятини ўрганиш беморларда асоратларни башоратлаш ҳамда уни олдини олишга имкон беради.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олиб, замонавий кардиологиянинг долзарб муаммоси бўлиб республика шароитида миокард инфарктида генетик маркерларни хусусиятларини ҳисобга олган касаллик клиник кечиши ва асоратларини прогнозлашни оптималлаштириш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ АДСС 15.5 «Буйрак функционал ҳолатини, нейрогуморал параметрларини ва юрак-қон томир хавфини прогнозлашни ҳисобга олган ҳолда сурункали юрак етишмовчилигининг фармакотерапиясини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш» амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади ўткир миокард инфарктида эндотелий дисфункцияси ривожланишининг клиник-генетик мезонларини аниқлаш ва касалликни эрта ташхислаш, клиник кечишини прогнозлашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миокард инфаркти билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясининг гуморал маркерларини аниқлаш;

ўзбек миллатига мансуб шахсларда NO – синтаза генининг T786C полиморфизминини баҳолаш;

миокард инфаркти билан хасталанган беморларда эндотелиал NO – синтаза генининг T786C полиморфизми хусусиятларини аниқлаш;

эндотелиал NO – синтаза генининг T786C полиморфизми хусусиятларининг МИ клиник кечишидаги ўрнини баҳолаш;

миокард инфаркти билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункцияси ва NO – синтаза гени T786C полиморфизмининг прогностик мезонларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалида стационар шароитда даволанган ва кузатувда бўлган 210 нафар миокард инфарктли беморлар.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони ва уни зардоби биокимёвий ва генетик таҳлиллар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал, биокимёвий, генетик, статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

МИ билан хасталанган беморларда NO-синтаза экспрессияси камайиши, эндотелин-1 миқдори ошиши билан МИ тури ва локализацияси ўртасида ўзаро боғлиқлик асосланган;

илк маротаба ўзбек миллатига мансуб МИ билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункцияси ривожланишининг молекуляр-генетик детерминантлари аниқланган;

NO-синтаза гени T-786C полиморфизмининг T/C генотиби билан касаллик клиник кечиши ҳамда эрта ва кеч асоратлар орасидаги корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

эндотелий дисфункцияси кўрсаткичлари ва NO-синтаза гени T-786C полиморфизмининг нохуш генетик маркерларини ҳисобга олган ҳолда МИ ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлашга ёндашув такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МИ билан хасталанган беморларда касалликнинг клиник кечиши мезонлари асосида касаллик зўрайиши ва асоратларини олдини олиш чора-тадбирлари такомиллаштирилган;

Эндотелий функцияси бузилишлари ва клиник-генетик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда МИ кечишини эрта прогнозлаш усуллари ишлаб чиқилган;

МИ ривожланишини эрта аниқлаш, касаллик клиник кечиши ва нохуш асоратларини ўз вақтида прогнозлаш чора-тадбирлари механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, миокард инфарктида муҳим ўрин тутган эндотелий дисфункцияси ва NO синтаза гени полиморфизмини учраши хусусиятлари ва касаллик ривожланишининг патогенетик механизмларини ўрганишга катта ҳисса қўшади, миокард инфаркти ривожланиши ҳамда клиник кечишининг нохуш прогноз кўрсаткичларини эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олиш тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш имконини бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МИ ривожланишини эрта аниқлаш, касаллик асоратлари хавфини ўз вақтида прогнозлашни оптималлаштириш услуби ишлаб чиқилган. Бу натижалардан фойдаланиш МИ билан хасталанган беморларда касаллик кечиши ва прогнозни яхшилаш, асоратлар ривожланиши олдини олиш, такрор госпитализациялар сонини ва асоратларини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МИ билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясини эрта аниқлашга янгича ёндашувлар ва касаллик кечишини прогнозлаш тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Миокард инфарктида эндотелий дисфункцияси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги 8н-з/143-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома МИДа клиник-генетик омилларнинг аниқлаш касаллик ривожланиши олдини олиш чоратадбирларини такомиллаштириш имконини берган. МИДа касаллик ривожланиши ва кечишининг эрта предикторларини баҳолашга ёндашувни оптималлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, Бухоро вилояти кардиология диспансери, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги 8н-з/143-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши МИ ривожланиши ва нохуш клиник кечишини эрта аниқлашга, касаллик асоратларини олдини олишни такомиллаштиришга, касаллик кечишини, ҳаёт сифати кўрсаткичи ва прогнозни яхшиланишига, МИ билан хасталанган беморларда асоратлар хавфини 1,3 мартага камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети билан тавсифланади, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миокард инфарктида эндотелий дисфункциясининг замонавий патогенек аспектлари**» деб номланган биринчи бобида эндотелий функцияси, юрак қон-томир тизими касалликларида эндотелий дисфункцияси ва эндотелий дисфункцияси билан боғлиқ генлар полиморфизми таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Миокард инфарктида эндотелий дисфункциясини диагностикаси ва прогнозлаш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларни баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

МИ билан хасталанган 35-60 ёшдаги 210 та бемор касаллик 10 кунгача Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиалида стационар даволанган бўлиб, уларнинг ўртача ёши $51,6 \pm 8,6$ ёшни ташкил этди. Беморлар стационар шароитда текширувдан ўтган, стенокардия, юрак етишмовчилиги, ҳамроҳ касалликлар бўйича клиник-анамнестик маълумотлар баҳоланган. Назорат гуруҳини ёш, жинс жиҳатдан мос 34та соғлом киши ташкил қилди.

Истисно мезонлари қуйидагилардан иборат: II-III даражали синоатриал ёки атриовентрикуляр ўтказувчанликнинг бузилиши; хилпирок аритмиянинг доимий шакли; ўпка, жигар ва буйрак функциялари бузилиши билан кечувчи касалликлар; қандли диабет; бош мия ўткир қон айланиш бузилишлари; анамнезида қон айланиш етишмовчилик симптомлари мавжудлиги.

Беморларда электрокардиограмма, клиник ва биокимёвий таҳлиллар, эхокардиография текшириши ўтказилди. Эндотелиал функцияси биокимёвий усул билан NADPH-диафораза (eNOS), нитрит редуктаза (iNOS), ва эндотелин - 1 миқдорини баҳолаш орқали ўрганилди. Молекуляр-генетик текширув эндотелиал NO синтаза (eNOS, NOS3) генининг -T-786C промотори полиморфизми ўзбек миллатига мансуб МИли 117 нафар беморда ва 104 соғлом донорларда ишлаб чиқарувчилар қўлланмасига мувофиқ CG-1-96 «Corbett Research» (Австралия) ва 2720 «Applied Biosystems» (АҚШ) дастурланган термоциклерларда полимераз занжир реакцияси усулида ўтказилди (Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти, молекуляр тиббиёт ва ҳужайра технологияси илмий бўлими). Касалликнинг эрта ва кеч асоратлари баҳоланди. Якуний нукталар 1 йилдан сўнг қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: қайта госпитализация, такрор фатал ва нофатал МИ ривожланиши, ўлим кўрсаткичлари.

ЎМИ стационар босқичда даволаш ST сегменти элевацияси билан МИ беморларини олиб бориш тавсиялари (ESC Guidelines for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation, 2017) бўйича олиб борилган кўрсатма бўйича тромболитик терапия, антикоагулянтлар, антиагрегантлар, ААФ ингибиторлари, бета-адреноблокаторлар, статинлар тавсия этилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2017 дастурий пакети ёрдамида

статистик ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (SD), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (учраши, %)ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларидадан фойдаланилди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стъюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилиқ даражаси $P < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Сифатий қийматлар учун статистик аҳамият χ^2 мезон (хи-квадрат) ёрдамида ҳисобланди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффиценти (r) ҳисобланди. Генетик текшириш натижалари OpenEpi version 9.2 пакет дастури орқали амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Беморларда миокард инфарктини клиник кечиши ва ЧҚ ремоделланиш жараёнларини хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида МИ билан хасталанган беморларда касалликнинг клиник кечишини баҳолаш натижалари, юрак ремоделланиш ва касаллик асоратлари кўрсаткичларининг таҳлили келтирилган.

МИ билан хасталанган 210 та бемор тадқиқотда қатнашди. Q тишли МИ 98 (46,7%) беморда ва Q тишсиз МИ 112 (53,3%) беморда аниқланди (1-жадвал). Беморлардан 97тасини эркак беморлар ва 113тасини аёл беморлар ташкил этди. Жадвалдан кўриниб турибдики, МИ олд девори зарарланиши 132 (57,5%)та беморда, МИ орқа девори зарарланиши 78 (42,5%) та беморда кузатилди. Анамнезида артериал гипертензия 158 (78,8%) беморда, миокард госпитализациядан олдинги стенокардия 121 (58,8%) беморда аниқланди. 73 (33,8%) беморда касалликнинг ўткир даври Killip бўйича I-IV синф юрак етишмовчилиги клиник белгилари билан асоратланди. Аритмиялар 166 (79%) беморда кузатилди ва улардан потенциал хавфли қоринчалар аритмиялари (ПХҚА) 114 (54,3%) ҳолда аниқланди. ЎМИнинг ўткир даврида 5 (2,5%) беморда қоринчалар фибрилляцияси(ҚФ) кузатилди. Қон айланиш етишмовчилиги клиник белгилари (NYHA бўйича II-III ФС) бўлимга ўтказилгандан кейин 66 (41,5%) беморда, бунда ЮЕ II«А» босқичи белгилари (ўпкада димланиш, нам хириллашлари ёки жисмоний ҳаракатда ҳансираш) 32 (66,7%)та беморда, ЮЕ II«Б» босқичи 16 (33,3%) беморда қайд этилди. 51 (36,3%) беморда эрта инфарктдан кейинги стенокардия(ЭИКС) хуружларининг тикланиши кузатилди.

10-12 суткадаги ЭхоКГ кўрсаткичларини таҳлиliga кўра, ЧҚ нинг систолик дисфункцияси (ОФ<40%) 17 (13,1%) беморда кузатилди. Яна 52 (40%) беморда ЧҚ нинг қисқариш фаолиятининг ўртача пасайиши (40<ОВ<50%) кузатилди. Қолган 61 (46,9%) беморда ЧҚ ОФ 50% дан юкори эди.

Диастолик функциянинг бузилиши дастлаб 73,8% (96 бемор)да аниқланди. Шунингдек I тип (секинлашган релаксация) 40,8% (53 бемор), II тип – (псевдонормал тип) 26,1% (34), III тип (рестриктив тип) – 14,6% (19) беморларда қайд қилинган.

ЧҚ нинг эрта локал ремоделланишининг эхокардиографик белгилари – (чўққининг юмалоклашуви, зарарланиш соҳасида деворнинг парадоксал ўзгариши) 36 (27,7%) беморда, митрал регургитация (МР) I даража – 24 (18,5%) беморда, МР II даража – 14 (10,8%) беморда аниқланди. Умумий гуруҳларда салбий ЭхоКГ белгиларнинг бири ва уларнинг комбинацияси

1 - жадвал

МИли беморларнинг клиник тавсифи

Кўрсаткичлар	Беморлар сони n=210	%
Ўртача ёши (йил)	51,6±8,6	
Бирламчи МИ	173	82,4%
Такрорий Ми	37	17,6%
Q тишли МИ	98	46,7%
Q тишсиз МИ	112	53,3%
Орқа девор МИ	78	42,5%
Олд девор МИ	132	57,5%
Анамнезда АГ	158	78,8%
Анамнездастенокардия	121	58,8%
ЎЮЕ (Killip I-IV)	73	33,80%
Аритмиялар (ПХҚА, ҚТ, ҚФ, БФ, КУЭ)	166	79,04%
МИ ўткир даврида ҚФ	5	2,5%
ПХҚА (Bigger)	114	54,28%
ЭИКС	51	36,3%
ЧҚ аневризмаси	20	9,5%
ЮЕ белгилари (NYHA II-III ФС)	66	41,45%

(30%<ОВ<40% ва/ёки МР ва/ёки инфаркт соҳасининг локал ремоделланиши) 58 (44,6%)га беморда кузатилди. Бунда систолик дисфункция 21 (16,2%) ҳолатда, МР 16 (12,3%) ҳолатда, эрта локал ремоделланишнинг ўзи 15 (11,5%) ҳолатда кузатилди. Бир вақтнинг ўзида 2 та белги 19 (14,6%)га беморда, 3 та белги 4 (3,1%) да систолик дисфункция МРнинг I даражаси билан қўшилиб 11 (8,5%)да систолик дисфункция локал ремоделланиш билан бирга учради. 9 (6,9%) беморда бир вақтда 3та белги аниқланди:ОФ<40%, инфаркт соҳасида локал ремоделланиш ва МР II даражаси.

ЭхоКГ параметрларини таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: миокард ремоделланиши параметрлари ўМИ олди деворда локализациясида ва такрорий

МИда чап қоринча систолик ва диастолик функцияларини бузилиши кўпроқ аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Миокард инфаркти билан хасталанган беморларда NO-синтаза ва NO-синтаза T786C гени полиморфизми хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида NO-тизими кўрсаткичлари ва NO-синтаза T786C гени полиморфизми хусусиятлари келтирилган.

МИ билан хасталанган беморлар эндотелиал дисфункция NO-синтаза экспрессияси пасайиши билан характерланди ва назорат гуруҳига нисбатан eNOSнинг Q тишли МИда 42,7%га ($P<0,001$) ва Q тишсиз МИда 24,7% ($P<0,05$)га камайиши аниқланди ҳамда улар $6,25\pm 0,08$ ва $8,21\pm 0,06$ мкмоль/мин/л ни ташкил этди (2-жадвал). Бу ўз навбатида нитрит редуктаза кўрсаткичи – iNOSнинг ортиши билан характерланди: Q тишли МИли беморларда бу кўрсаткич миқдори назорат гуруҳига нисбатан, Q тишли МИда 3,4 маротаба ошиши кузатилди ва $2,31\pm 0,04$ мкмоль/мин/л ни ташкил этди. Q тишсиз МИда бу кўрсаткич $1,76\pm 0,06$ мкмоль/мин/л ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 2,6 баробар ортиши билан характерланди. Эндотелин 1 кўрсаткичи миқдори назорат гуруҳига нисбатан Q тишли МИ ўтказган беморларда 2,3 баробарга ($P<0,01$) ва Q тишсиз МИли беморларда 1,6 баробарга ($P<0,05$)га ошиши кузатилди.

Бунда Q тишли МИ ва эндотелий функцияси кўрсаткичлари орасида юқори даражадаги корреляцион боғланиш аниқланди.

2- жадвал

МИ билан беморларда NO тизими кўрсаткичлари($M\pm SD$)



Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=22)	Q тишли МИ (n=43)	Q тишсиз МИ (n=52)
NADPH-диафораза (eNOS), мкмоль/мин/л	$10,91\pm 0,65$	$6,25\pm 0,08^{***}$	$8,21\pm 0,06^{**}$
Нитрит редуктаза (iNOS), мкмоль/мин/л	$0,68\pm 0,07$	$2,31\pm 0,04^{**}$	$1,76\pm 0,06^*$
Эндотелин -1, пг/мл	$5,4\pm 0,56$	$12,5\pm 0,35^{**}$	$8,5\pm 0,31^*$

Изох: P – бошланғич кўрсаткичга нисбатан ишончлилиги *- $P<0,05$; ** - $P<0,01$; ***- $P<0,001$

Шундай қилиб, МИ билан хасталанган беморларда эндотелий функцияси бузилиши аниқланди, бу Q тишли МИли беморларда яққол намоён бўлди, ҳамда NO-синтаза экспрессиясининг кўрсаткичлари - eNOS миқдори пасайиши билан характерланди ва эндотелин-1 миқдори ошиши кузатилди. Эндотелиал NO-синтаза азот оксиди (NO) синтезига жавоб берувчи, қон-томирлар девори силлиқ мушаклари фаолиятида ва улар тонуси регуляциясида, тромб ҳосил бўлиши жараёнларига иштирок этувчи муҳим фермент ҳисобланади.

Ўзбек миллатига мансуб 104 шахсда (назорат гуруҳи) эндотелиал дисфункциянинг генетик детерминантларини ўрганиш натижаларида NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг аллель ва генотиплари қуйидагича тақсимлангани кузатилди: T аллель 84,1% ва C аллель 15,9%; генотиплар: T/T – 68,3 ва T/C – 31,7%ни ташкил этди.

МИ бор беморларда T аллель учраши 75,6% ва C аллель 24,4%ни ташкил этиб, бунда C аллель назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баробар кўпроқ учради. Ўзбек миллатига мансуб МИ бор гуруҳ беморларда генотиплар қуйидагича тақсимланди: T/T генотип 52,9% , T/C генотип 45,3% ва C/C генотип 1,7% беморларда (1-расм).



1-расм. Эндотелиал NO-синтаза гени T786C полиморфизмида аллель ва генотиплар учраши

Бунда назорат гуруҳидаги популяцион учраши таҳлили кўрсатишича: ХВР бўйича аллеллар тақсимланиш частотаси $T=0.84$; $C=0.16$; назорат гуруҳида ХВР бўйича генотиплар кутилаётган тақсимланиши: $T/T=0.71$; $T/C=0.27$; $C/C=0.02$ ни, шунингдек генотиплар тақсимланиши кузатилаётган частотаси: $T/T=0.68$; $T/C=0.32$; $C/C=0.00$ ($\chi^2=3.7$; $P=0.054$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида)ни ташкил этди. МИли беморларда NO-синтаза гени T786C полиморфизми таҳлили шуни кўрсатдики: ХВР бўйича аллеллар тақсимланиш хусусиятлари $T=0.76$; $C=0.24$ ни ташкил этди. ХВР бўйича генотипларнинг кутилаётган учраши МИ ли беморлар гуруҳида: $T/T=0.57$; $T/C=0.37$; $C/C=0.06$ ни ташкил этди. ХВР бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилиши беморлар гуруҳида: $T/T=0.53$; $T/C=0.45$; $C/C=0.02$ ни ташкил этди ($\chi^2=6.1$; $P=0.01$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида). Натижалар таҳлили МИли беморларда NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг T/T генотипининг учраши назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайишини кўрсатди (52,9% беморлар гуруҳида ва 68,3% назорат гуруҳида, $\chi^2=5.4$; $P<0,02$; OR=0.5; 95% CI 0.302-0.907). Нисбат коэффициент бўйича нохуш T/C генотип учраганда МИ ривожланиш хавфи 1,8 марта ошади $\chi^2=4.3$; $P=0.04$ (95% CI 1.02- 3.09), шу сабабли бу генотипни ИМ ривожланиш хавфи прогностик мезони сифатида қабул қилиш мумкин (3-жадвал).

3- жадвал

Ўзбек миллатига мансуб шахсларда ва МИ билан хасталанган беморларда NO-синтаза гени T786C полиморфизми аллель ва генотипларининг тарқалиш хусусиятлари

Аллель ва генотиплар	Текширилган аллель ва генотиплар				χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	Беморлар гуруҳи		Назорат гуруҳи							
	Abs	%	Abs	%						
T	177	75.6	175	84.1	4.9	0.03	1.5	1.04- 2.25	1.7	1.06- 2.751
C	57	24.4	33	15.9						
T/T	62	52.9	71	68.3	5.4	0.02	0.8	0.62 -0.96	0.5	0.302-0.907
T/C	53	45.3	33	31.7	4.3	0.04	1.4	1.01-2.016	1.8	1.02- 3.09
C/C	2	1.7	0	0.0	1.8	0.2	-	-	-	-

NO-синтаза гени T786C полиморфизмини МИнинг клиник кечишига боғлиқ ҳолда ўрганишда бирламчи МИ беморларда T аллель учраши 75,8%ни ташкил этса, такрорий МИли беморларда 67,3%ни ташкил этди. C аллель такрорий МИли беморларда 1,5 марта кўпроқ учради ва 32,7% ҳолатда ҳамда бирламчи МИда 22%да аниқланди. Бирламчи МИли беморларда T/C генотип

учраши 41,8%ни ва такрорий МИда 57,7%ни ташкил этди (4-жадвал). eNOS T786C (rs2070744) полиморфизмида аллель ва генотиплар учраш хусусиятларининг таҳлили нохуш генотипларнинг такрорий МИли беморларда 1,9 дан 3,6 мартагача кўпроқ учрашини аниқлади.

4-жадвал

Бирламчи ва такрорий МИда NO-синтаза гени T786C полиморфизми аллель ва генотипларининг тарқалиш хусусиятлари

Аллель ва генотиплар	Текширилган аллель ва генотиплар				χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	Бирламчи ИМ		Такрорий МИ							
	Abs	%	Abs	%						
T	142	78.0	35	67.3	2.5	0.1	1.5	0.92- 2.39	1.7	0.875- 3.39
C	40	22.0	17	32.7						
T/T	52	57.1	10	38.5	2.8	0.09	0.7	0.4- 1.13	0.5	0.19- 1.144
T/C	38	41.8	15	57.7	2.1	0.1	1.4	0.91- 2.08	1.9	0.786- 4.59
C/C	1	1.1	1	3.8	0.9	0.3	3.5	0.23-54.05	3.6	0.217- 59.61

Юқоридаги параметрларнинг МИ нинг жойлашганига боғлиқ равишда таҳлили шуни кўрсатдики: МИда олдинги девор зарарланишида T аллель учраши 74,5%ни ташкил этса, орқа девор зарарланишида 76,5%ни ташкил этди. МИ олдинги девори инфарктида T/T генотип учраши 51% ва орқа деворида – 54,4%ни ташкил этди. МИнинг олдинги деворда учрашида T/C генотип 46,9% ва орқа деворда учрашида 44,1%да учраши билан характерланди. C/C генотипнинг учраши мос равишда 2% ва 1,5% ни ташкил ташкил этди ($\chi^2 < 3.8$; $P > 0.05$).

NO – синтаза T786C гени полиморфизмининг учрашини МИ кечиши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинганда T/C генотипли беморларда МИ нинг эрта асоратлари – ритм бузилишлари, ЎЮЕ, тромбоземболиялар T/T генотипли беморларга нисбатан ишончли кўпроқ учраши аниқланди (5-жадвал).

5 - жадвал

NOS-3 гени –T786C полиморфизми генотиплари ва касаллик эрта асоратлари таҳлили

Асоратлар	T/T (n=62)	T/C(n=53)	P
Аритмиялар (n=82)	31 (37,8%)	51 (62,8%)	0,001
ЎЮЕ (n=51)	15 (29,4%)	36 (70,6%)	0,05
СЮЕ (n=24)	9 (37,5%)	15 (62,5%)	0,001

Бир йиллик беморларни кузатиш натижаларини баҳолаш 32та бемор такрорий госпитализация бўлганини кўрсатди, улардан 14та беморда такрорий нофатал МИ ва 5та фатал МИ қайд этилди (6-жадвал). МИ билан такрорий госпитализациялар сони кўпроқ Q тишли МИ беморларда кузатилди: 10та беморда нофатал миокард инфаркти ва 4та беморда фатал МИ. Ўлим кўрсаткичи 11тани ташкил этди ва 6та ҳолатда тўсатдан ўлим қайд этилди.

Генетик модель асосида МИ беморларда эндотелиал NO – синтаза T786C гени полиморфизмининг касаллик прогнозидаги ахамиятини баҳолаш МИ нохуш прогностик омили сифатида T/C генотип эканлиги аниқланди.

6- жадвал

**NO синтаза гени –T786C полиморфизми генотиплари
ва 1 йиллик прогноз таҳлили**

Прогноз кўрсаткичлари	T/T (n=62)	T/C (n=53)
Такрорий госпитализация (n= 32)	15 (46,8%)	17 (53,2%)
Такрорий МИ нофатал (n= 14)	5 (35,7%)	9 (64,3%)
Такрорий МИ фатал (n=5)	1 (20%)	4 (80%)
Ўлим (n=11)	2 (18,2%)	8 (81,8%)
Тўсатдан ўлим (n=6)	2(33,3%)	4 (66,7%)

Шундай қилиб, МИ билан хасталанган беморларда эндотелиал дисфункция эндотелиал NO – синтаза эспрессия камайиши, эндотелин-1 миқдори ошиши билан характерланади ҳамда МИ тури ва локализацияси билан ассоцирланади. Ўзбек миллатига мансуб МИли беморларда эндотелиал NO – синтаза T786C гени нохуш аллель ва генотиплари назорат гуруҳига нисбатан ишончли кўпроқ учради. Эндотелиал NO – синтаза гени T786C полиморфизмини NO-синтаза тизими кўрсаткичлари - NO-синтаза ва эндотелин-1 миқдори орасида ассоциация мавжудлиги аниқланди: T/T генотипли беморларда эндотелин 1 миқдори $8,34 \pm 0,17$ пг/мл ни ташкил этган бўлса, T/C генотипда бу кўрсаткич 60%га юқори бўлиб $13,38 \pm 0,59$ пг/мл ни ташкил этди. Генетик модель асосида МИ беморларда эндотелиал NO – синтаза T786C гени полиморфизмининг касаллик прогнозидаги ахамиятини баҳолаш МИ нохуш прогностик омили сифатида T/C генотип эканлиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. МИ билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункцияси МИ тури ва локализацияси билан ассоцирланиб, эндотелиал NO-синтаза эспрессияси пасайиши ҳамда эндотелин-1 миқдори ортиши кузатилади.

2. Ўзбек миллатига мансуб шахсларда эндотелиал NO-синтаза гени T786C аллелларини ташиш частотаси T- аллеллар 84,1%, C- аллеллар 15,1% ва эндотелиал NO-синтаза гени T786C генотипи тарқалиш частотаси эса - T/T генотип - 68,3%, T/C генотип – 31,7% ни ташкил этди. Ўзбек миллатига мансуб

МИ билан хасталанган беморларда эндотелиал NO-синтаза гени T786C аллели учраши - T аллеллар - 75,6%, C аллеллар – 24,4% ва эндотелиал NO-синтаза гени T786C генотиби тарқалиш частотаси эса - T/T генотип – 52,9%, T/C генотип – 45,3%, C/C генотип – 1,7%да учраши билан характерланади.

3. МИ билан хасталанган беморларда эндотелиал NO-синтаза генининг генетик детерминантлари тахлили эндотелиал NO-синтаза T786C гени полиморфизми T/C генотиби ва МИ такрорий учраши ўртасида ассоциация мавжудлиги аниқланди. Q-тишли МИ ўтказган беморларда T/C генотиби 71,4%ни, МИ олд девор зарарланишида эса – 67,9%ни ташкил этади. Нохуш T/C генотиби нохуш генотиби учраши МИ ривожланиш хавфини 1,8 марта оширади, ҳамда такрорий МИли беморларда бу генотипнинг 1,9 дан 3,6 мартагача кўпроқ учраши кузатилади.

5. Ўзбек миллатига мансуб МИ билан хасталанган беморларда генетик модель асосида NO–синтаза T786C гени полиморфизмининг касаллик прогнозидаги аҳамиятини баҳолаш натижасида NO-синтаза ва эндотелин-1 миқдори орасида ассоциация мавжудлиги аниқланди: T/T генотипли беморларда эндотелин-1 миқдори $8,34 \pm 0,17$ пг/мл ни ташкил этган бўлса, T/C генотипда бу кўрсаткич 60%га юқори бўлиши билан намоён бўлади. NO–синтаза T786C гени полиморфизмининг T/C генотипининг аниқланиши МИ нохуш прогноз ривожланишидан далолат беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26.04.2018.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТЕРАПИИ И
МЕДИЦИНСКОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ**

ЮСУПОВ ДОНИЁРЖОН МАДАМИНОВИЧ

**ДИСФУНКЦИЯ ЭНДОТЕЛИЯ ПРИ ИНФАРКТЕ МИОКАРДА:
КЛИНИКО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (PhD) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема докторской (PhD) диссертации по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2017.3.PhD/Tib340.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре терапии и медицинской реабилитации

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cardiocenter.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Камилова Умида Кабировна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хамидуллаева Гулноз Абдусаттаровна**
доктор медицинских наук, профессор
Рахимов Шухрат Маликович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский институт усовершенствования врачей**

Защита состоится « ____ » _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.26.04.2018.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии (Адрес: 100052, г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул.Осиё 4. Тел./факс (99871)237-38-16, e-mail: scardio@cardiology_uzb).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра кардиологии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100052, г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул.Осиё 4. Тел./факс (99871)237-38-16.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2019 года)

Р.Д. Курбанов
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, академик

Г.У. Муллабаева
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук

А.Х. Абдуллаев
председатель научного семинара по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. Инфаркт миокарда (ИМ) несмотря на достигнутые успехи в последние годы по профилактике и лечению, занимает ведущее место в структуре заболеваемости и смертности в мире. Смертность от сердечно-сосудистых заболеваний по оценке Всемирной организации здравоохранения в 2016 году составил 17,9 миллиона случаев, что составило 31% всех случаев смерти в мире. По данным последних рекомендаций «в развитых странах при лечении ИМ с применением реперфузионной терапии, эндоваскулярных подходов и современных антитромбоцитарных препаратов показатели смертности составляют от 4 до 12%»¹. Увеличение распространенности сердечно-сосудистых заболеваний, в том числе ИМ, имеющий плохой прогноз и высокие показатели смертности определяют актуальность проблемы.

В мире ведутся ряд научных исследований, направленных на диагностику, раннее выявление и достижение высокой эффективности в подходах к тактике диагностики и лечения больных ИМ. Изучение основных патогенетических механизмов развития ИМ, оптимизация методов ранней диагностики имеет важное значение при профилактике и лечении заболевания, снижении осложнений. Приоритетными направлениями научных исследований на сегодняшний день остаются изучение прогностической значимости функционально-гуморальных и генетических маркеров, полиморфизма гена NO синтазы у различных этнических групп при ИМ. Оптимизация к современным методам прогнозирования клинического течения и осложнений ИМ с учетом клинико-генетических факторов является актуальной проблемой настоящего времени.

В нашей стране проводятся широкомасштабные комплексные мероприятия по коренному улучшению качества оказания медицинской помощи населению. В Стратегии действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы определены следующие задачи такие, как «в первую очередь, в качестве первого звена повышения доступности и качества оказания населению медицинских и социально-медицинских услуг, реформирование системы скорой и неотложной медицинской помощи, формирование здорового образа жизни у населения, обеспечения снижения заболеваемости населения и увеличение продолжительности жизни»². поэтапное развитие кардиологии, профилактика сердечно-сосудистых заболеваний, раннее выявление факторов риска и повышение эффективности лечения, в том числе ранняя диагностика ИМ, прогнозирование течения заболевания, разработка лечебных мер и в результате этого снижение показателей заболеваемости, инвалидности и смертности, улучшение качества жизни и прогноза больных имеет приоритетное значение.

¹ ESC Guidelines for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation 2017. European Heart Journal, 2018; 39 (2): 119-177.

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование служит для выполнения задач, отмеченных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Диссертационная работа была выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению VI «Медицина и фармакология».

